“Тасдиклайман”
Чирчиқ шаҳар
Ҳокимининг молия, иқтисод ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
_________ Рахмонов Ж.Г.
“ 05 ” 09 2022й.

# “Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасаруфидаги умумий ўрта таълим муассасаларида 2022-2023 ўқув йилида барча ўқитиш тиллари бўйича "Кам таъминланган" деб эътироф этилган "Аёллар дафтари", "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари"га киритилган оила фарзандлари учун мактаб формалари” харид қилиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш учун

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Чирчиқ шаҳар-2022й.

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи** | Чирчиқ шаҳар Хокимияти |
| **Етказиб берувчи** | Танловда аниқланади |
| **Товар (иш хизмат)ларни тури** | Сифатли, ўлчамларга асосан ва талабга жавоб берадиган товар билан таъминлаш |
| **Объектнинг жойлашган ўрни** | Чирчиқ шаҳар Хокимияти |
| **Товар (иш, хизмат)ларни бажарилишида алоҳида шартлари** | "Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими тасаруфидаги умумий ўрта таълим муассасаларида 2022-2023 ўқув йилида барча ўқитиш тиллари бўйича "кам таъминланган" деб эътироф этилган "аёллар дафтари", "темир дафтар", "ёшлар дафтари"га киритилган оила фарзандлари учун мактаб формалари" харид қилишда танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:<br>1. Ҳудудий солиқ инспексиясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.<br>2. Иштирокчининг юридик манзили танлов ташкил этилган ҳудудда бўлиши шарт.<br>3. Охирги 2021йил хамда 2022 йилдаги бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари.<br>4. Охирги бир йил ичида амалга оширган айланма маблағи, картотека-2 қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкдан тасдиқланган маълумот.<br>5. Иштирокчининг маҳсулот учун мувофиқлик сертификати, санитария гигиеник сертификати, лаборатория хулосаси.<br>6. Товарларнинг сифати учун 3 ойдан кам бўлмаган, иштирокчи томонидан "Кафолат хати"ни тақдим этиши.<br>7. Ҳар бир болани ўлчаш, ўлчамларни олиш ва индивидуал тикиш бўйича кафолат хати етказиб бериш нархига киритилган.<br>8. Форма намунаси иштирокчи томонидан тақдим этилганлиги ва буюртмачи томонидан берилган маълумотнома (намунани тақдим этиш танлов тугашидан камида 2 кун олдин бўлиши шарт).<br>9. Товарни юқорида келтирилган талабларга мувофиқ 10 кун ичида етказиб бериш ҳақида иштирокчи томонидан "Кафолат хати"ни тақдим этиши шарт.<br>Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар булади. Танлов иштирокчилари энг паст нарх тақдим этилганида юқорида кўрсатиб ўтилган талабларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Юқоридаги талаблар бажарилмаган тақдирда паст нархда хизмат кўрсатиш иштирокчиларга ғолиб деб баҳолаш имкониятини бермайди. Танлов иштирокчиси 1-11 баллгача бўлган балларда баҳоланади.<br>Юқори балл тўплаган давогар танлов ғолиби ҳисобланади.<br>Изоҳ: Лозим топилганда комиссия иштирокчилари томонидан танлов иштирокчилариниң молиявий ҳолати ва иш фаолияти ўрганиб чиқилади. |
| **Товарларни бажарилишидаги шартлар** | **7-11 синфгача бўлган қизлар ва ўғил болалар учун мактаб формаси:**<br>Комплект нимча, юбка ёки шим, пиджакдан иборат. |

| | |
|---|---|
| | Ўғил болаларнинг нимчасида икки қатор тугма ва қизларникида бир қатор тугма, икки четида ёлғон чўнтак, орқа қисмида белбоғ, астарли бўлиши шарт.<br>Шимнинг олд қисмида стрелка (яъни, 0,1 строчка) ва икки ёнида чўнтаклари, орқа чўнтаклари бўлиши, шим кийиб юрилганда оёқнинг тўпиғи ёпиқ ҳолатда бўлиши таъминланиши шарт.<br>Юбка тиззадан юқори бўлмаган, классик услубда, астарли ва замокли бўлиши, юбка кийиб юрилганида тиззадан тепасини тўлиқ ёпиши ва тиззадан пастга кўпи билан 5-15 смгача узайтирилиши мумкин.<br>Пиджак классик услубда рельеф виточкалари ва қопқоқли чўнтаклари бўлиши, ички 3 та чунтаги замокли бўлиши, ичи астарли ва зичлиги 140 гр/м2ли дублерин қўйиб тикилган бўлиши, текис ва равон дазмолланган, чоклари текис тикилган бўлиши шарт.<br>Мато таркиби: тўқ кўк рангли, зичлиги 200 гр/м2, 45% пахта ва 55% полиэстердан сифатли евро мато (ранги чиқмайдиган, киришмайдиган) дан тикилиши шарт. |
| **Товар (иш, хизмат)ларни бажарилишини бошланиши** | 2022 йилнинг 3-чораги |
| **Товар (иш, хизмат)ларни бажарилишини тугатилиши** | 2022 йилнинг 3-чораги |
| **Топширик қабул қилиш тартиби** | Товар (иш, хизмат)ларнинг етказиб берилиши ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. |

**Ёшлар ишлари агентлиги**
**Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи** ________________ **У.А.Олимов**